## КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ МИЛЛАТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАРГА БАҒИШЛАНАДИГАН ПЛЕНУМИ ОЛДИДАН

**Жамиятни демократиялаш ва ошкоралик жараёнида XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси талаблари асосида миллатлараро муносабатларни янада ривожлантириш, халқлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш, интернационал тарбияни кучайтириш юзасидан кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.**

**Область партия комитетининг миллатлараро муносабатлар комиссияси, халқ депутатлари область Советининг миллатлараро муносабатлар ҳамда интернационал тарбия доимий комиссиясига барча халқларнинг ўзига хос урф-одатлари ва анъаналарини сақлаб қолиш, миллий тилларда ўқитиладиган мактаблар очиш, маданий эҳтиёжларни қондириш юзасидан зарур чоралар кўришга қаратилган таклифлар тушмоқда.**

**Шу таклифлар асосида «Тошкент ҳақиқати» газетаси саҳифаларида ҳам махсус подборка ва туркум мақолалар бериб борилади. Мақсад — областимизда истиқомат қилаётган юздан ортиқ миллат ва элат вакиллари ҳаётини тўлақонли ёритиб бориш, кенг газетхонлар иштирокида миллий муносабатларда мавжуд бўлган муаммоларни бамаслаҳат ҳал этишдир.**

# ТАТАРЛАРМИ ЁКИ БУЛҒОРЛАР

Маълумки, Совет Иттифоқида «татар» деб аталувчи бир неча халқлар мавжуд. Улар орасида Ўрта Волга бўйи ва Урал дарёси атрофида яшовчи татарлар энг кўп сонли бўлиб беш миллиондан ортиқ кишини ташкил қилади.

Татар номи Европада XIII аср биринчи ярмида, марказий Осиёда мўғул-татар ҳарбий-феодал давлати тузилиши даврида маълум бўлди. Бу вақтда, аниқроғи 1220—1230 йилларда мўғул-татарлар Шарқий Европага бостириб кириб, маҳаллий аҳолининг деярли ҳаммасини тобе қилган эди. Ўшанда улар империяси составига босиб олинган ерларнинг турли қабилалари, шу жумладан мўғул ва туркий тилларда сўзлашувчи қабилалар ҳам кириб қолди.

Тарихий манбаларда «татарлар» ёки «татар босқинчилари» деган атамалар учраб туради. Совет тарихчиси Х. Гимади уларни қозон татарлари деб тушуниш мутлақо нотўғри деб ҳисоблайди. Чунки босқинчилар мўғул-татарлари, Чингизхон ва Ботухоннинг суворийлари эди.

Миллатларнинг шаклланиш тарихи ўтган аср охирида Қозонда нашр этилган Аброр Каримуллиннинг «Татарлар: этнос ва этноним» китобида қизиқарли баён қилинган. Кўпгина тадқиқотлар ва адабиётларда қозон татарлари ҳамда Ўрта Волга бўйи ва Урал атрофида яшовчи татарлар булғорлардан келиб чиққанлиги асослаб берилган. Тарихдан Буюк Булғорий давлати мавжуд бўлганлиги маълум. Унинг аҳолиси тинч меҳнат билан машғул бўлган. Ғалла ва полиз маҳсулотлари етиштирган. Ҳунармандлар чўян эритишган, заргарлик буюмлари тайёрлашган, чарм ва мўйна қайта ишланган, водопроводлар ўтказилган. Буюк Булғория Европа, Шарқ ва Жануб давлатлари билан савдо алоқаларини йўлга қўйган.

Буюк Булғорияда шеърият юксак даражада бўлганлиги, мактаблар ишлаб турганлиги, олимлар, тарихчилар ижод қилганлиги кўп манбалардан маълумдир. Халқ турли соҳаларни ривожлантириш билан банд бўлган. Ғарб ва Шарқ савдогарлари мамлакат маркази орқали ўтганлар. Монголлар истилосигача Буюк Булғорияда ҳаёт шундай осойишта давом этганди.

Буюк Булғория мўғуллар билан бўлган қаттиқ жанглардан сўнг парчаланиб кетди. Шаҳар ва қишлоқлар талон-тарож қилинди, халқ қашшоқлашди. Т. Е. Грум—Гржимайлонинг «Ғарбий Монголия ва Урянхайск ўлкаси» китобида ёзишича, кейинчалик қипчоқлар, мордвалар, буртаслар ҳам бўйсундирилгач, навбат Россия тупроғига келади. Мўғул истилочилари зулмидан бу ўлка ҳам кўп азоб чекди.

А. Каримуллиннинг юқорида тилга олинган китобида Буюк Булғория VI аср охирида пайдо бўлган деб тасвирланади. Кубрат ҳокимлик қилган даврда бу давлатнинг куч-қудрати ошиб, унинг чегаралари Шимолий Кавказ, Дон ва Азов денгизи бўйларини қамраб олган. Булғор қабилаларининг бир қисми Кубратнинг ўғли Аспарух бошчилигида Дунай текислигига кўчиб келган ва славян қабилалари билан қўшилиб кетган.

Буюк Булғорияда шеърият юксак савияда бўлганлигини, мактаблар ишлаб турганлигини, олим ва тарбиячилар кўплигини сайёҳлар

### ТАРИХГА БИР НАЗАР

очиқ эътироф этганлар. Бу давлат пойтахти Ғарб билан Шарқ ўртасидаги савдо-сотиқнинг ўзига хос маркази бўлган. Араб савдогарлари ҳатто ўз динлари ҳисобланган исломни ҳам шу ерда тарқатганлар.

Мўғулларнинг Буюк Булғорияга бостириб кириши билан маҳаллий халқнинг бир қисми Кама, Вятка дарёларининг шимолий қисмига кўча бошлаган. Ўша вақтда бу ерларда аҳоли кам бўлган. Айрим манбаларда булғорлар бу ерга мўғуллар истилосидан аввалроқ ҳам кўчиб келган дейилади.

А. Каримуллиннинг маълумотларига кўра булғорлар тили ўхшаш бўлган қардош қабилалар билан VIII асрда Ўрта Волга бўйига кўчиб келганлар ва бу ерда Волга Булғорияси давлатини тузганлар. Бу вақтда шу жойларда марийлар, удмуртлар авлодига мансуб фин-угар қабилалари яшарди.

XV асрда мўғул-татар истилочилари инқирозга юз тутганидан сўнг Буюк Булғория пойтахти Фёдор Пестрий томонидан 1431 йилда тор-мор этилади. Шундан сўнг бир вақтлар қудратли ҳисобланган давлат парчаланиб кетади. Булғорларнинг бошқа жойларга оммавий кўчиши кучаяди. Худди шу пайтга келиб янги, кучли татар давлати — Қозон хонлиги вужудга келади. Унинг составига Буюк Булғориянинг собиқ ерлари, шунингдек, Вятка, Перьм губерниялари, Бошқирдистон территориялари киради.

Ўрта Волга бўйи ва Урал атрофида яшовчи татарлар асосан икки гуруҳдан: қозон татарлари ва татар-мишарлардан иборатдир. Улар турли шеваларда гаплашади. Аммо бу икки гуруҳ доимо бирга яшаганлиги учун уларнинг келиб чиқишида ҳам, маданиятида ҳам унчалик катта фарқ йўқ. Бу этник гуруҳларнинг ягона халқ, ягона миллат бўлиб қўшилиб кетиш жараёни давом этмоқда.

Умуман олганда татар-мишарлар татар тилининг ғарбий шевасида гаплашадилар. Улар асосан Волга дарёсининг ўнг қирғоғида — Мордва, Чувашистон, Татаристон АССР, Горький, Куйбишев, Пенза, Рязань, Ульяновск, областлари территориясида яшашади. Татар-мишарларни Бошқирдистон АССР ва Оренбург областида ҳам кўплаб учратиш мумкин.

Авваллари, айниқса Улуғ Октябрь социалистик революциясидан олдин «татарлар», «турклар» деган атамалар мавжуд эди. Ҳатто «турклар», «турк-татарлар» деган сўзлар ҳам пайдо бўлганди. Миллатларнинг номланишидаги бундай чалкашликлар Туркистондаги айрим миллатларнинг шаклланиш тарихини бузиб кўрсатарди. XIX аср охирлари ва XX аср бошларида Туркистонни тадқиқ этган буюк рус олимлари А. Н. Самойлович, В. В. Радлов, В. В. Бартольд ва бошқалар бундай чалкашликларга чек қўйиш зарурлигини алоҳида таъкидлаган эдилар.

Шундай қилиб ҳозирги Қозон татарларининг XIII асрда Европага бостириб келган мўғул-татарларга ҳеч қандай алоқаси йўқ. Қозон татарларининг илдизи ўрта асрдаёқ қудратли ва бой давлат Буюк Булғорияни ташкил этган қабилаларга бориб тақалади.

А. Каримуллин ўз асарида «мен «татар» миллати сўзини «булғор» миллати сўзи билан алмаштирилишини талаб қилаётганим йўқ. Шу билан бирга «татар» атамасининг сақланиб қолиши тарафдори ҳам эмасман», деб ёзган эди.

Татарларми, булғорларми? Бу муаммони ҳал қилиш олимларимиз, тарихчиларимиз вазифаси. Биз мамлакатимизнинг кўп миллатли халқлари билан бир оилада, ёнма-ён туриб қайта қуриш вазифаларини ҳал қилишда фаол иштирок этаётганлигимиз билан фахрланамиз.

**Исҳоқ ЗАБИРОВ,**
**филология фанлари кандидати, Ўзбекистон Журналистлар союзининг лауреати.**

# СИЗ ҚАНДАЙ ФИКРДАСИЗ?

Халқларнинг қардошларча дўстлигини мустаҳкамлаш ва чуқурлаштириш учун нималар қилиш керак? Миллатлараро муносабатлардаги муаммолар ҳақида қандай фикрдасиз? Мухбиримизнинг бу саволларига татар миллатига мансуб оддий кишилар шундай жавоб беришди:

**Раҳим САФАРОВ,**
**уруш ва меҳнат ветерани:**

**— Мамлакатимиз халқларининг дўстлиги зўр синовлардан ўтган, қон билан мустаҳкамланган, дейишимиз шунчалик гап эмас. Менга фронтда миллати турлича, аммо, душманга нафрати бирдай жангчилар билан ёнма-ён жон олиб жон беришга тўғри келган. Ўзбек ва қозоқлар, арман ва озарбайжонлар, шу жумладан, татарлар ҳам Россия, Украина ва Белоруссияни фашистлардан озод қилиш учун қон тўкдилар, жонларини фидо қилдилар.**

**Ана шу оғир синовдан ўтган дўстлигимиз ягона оиламизнинг аъзоларидан бири — арман халқи бошига фожиали мусибат тушганда яна бир бор ўзини тўлалигича намойиш қилди. Табиий офатга қарши кураш учун ҳеч муболағасиз бутун мамлакат, давлатимиздаги барча халқлар оёққа турди, қон қардошларига ёрдамга шошилди. Тожикистондаги зилзиладан сўнг ҳам ана шу бирлигимиз намоён бўлди.**

**Бироқ, биз миллатлараро муносабатлардаги муаммолардан ҳам кўз юма олмаймиз. Турғунлик йилларида бунга эътибор берилмаганлиги сабабли улар анча кўпайиб, мураккаблашиб кетганлиги ҳозир аён бўлмоқда.**

**Ҳақиқий дўстлик, биродарлик ҳар бир миллат тарихи, маданияти, урф-одатларига чуқур ҳурматда бўлишни тақозо этади. Биз Ўзбекистонда татарларга нисбатан қандайдир камситиш белгилари бор, дея олмаймиз. Шунга қарамасдан айрим масалалар тўғрисида ўйлаб кўрилса бўларди. Кўп вақтдан бери Тошкентда турли миллатлар маданияти, анъаналарини тарғиб қиладиган маданий марказ ташкил этиш ҳақида гап бормоқда. Аммо бирор амалий чора кўрилмаяпти. Бу ерда татар халқи санъати, она тилимиздаги адабиётлар, газета-журналлар билан кенгроқ танишиш имконияти бўлса, миллий таомлар тайёрланса қандай яхши бўларди!**

**Пўлат ВАЛИЕВ,**
**педагог:**

**— Кўп йиллардан бери меҳнат таълими ўқитувчиси бўлиб ишлаб келмоқдаман. Ўқувчиларим фарзандларимдек бўлиб қолган. Улар орасида турли миллат вакиллари бор.**

**Биз таълим-тарбия жараёнида бугун мактаб партасида ўтирган ўқувчилар ҳақиқий интернационалчилар бўлиб етишишлари учун астойдил ҳаракат қиламиз. Интернационал дўстлик клублари фаолияти, мактабдан ташқари тадбирларимиз худди шу мақсадга йўналтирилади.**

**Миллатлараро муносабатларда бугунги демократия ва ошкоралик пайтида юзага чиқаётган муаммолар яқинда пайдо бўлгани йўқ. Масалан, Ўзбекистон радиоси ишини олиб кўрайлик. Вақти-вақти билан радио орқали татарча куй ва қўшиқлар бериб борилади. Республикада яшовчи турли миллат вакилларига бу эътибор учун радиожурналистларни мақташ керак эди. Аммо, афсуски радио орқали бериладиган бу куй ва қўшиқлар деярли бир хил. Кўплари эса алмисоқдан қолган. Авваллари бу ҳақда ҳеч нарса дейилмасди. Наҳотки, ҳозир турли миллатларнинг замонавий куй ва қўшиқларини ёзиб олиб, эшиттириш қийин бўлса! Бу биргина татарлар учунгина керак эмас. Ахир биз ўзимизни бир оила аъзоларидек атайдиган бўлсак, бир-биримизнинг санъатимиз, адабиётимиз билан танишиб борсак қандай яхши.**

Равил ШОКИРОВ:

# «ЎЗБЕК ТИЛИ—ОНА ТИЛИМ»



БУГУНГИ суҳбатдошимизни кўпчилик яхши танийди. Уни Татаристонда қандай эъзозлашса, Ўзбекистонда ҳам шундай қадрлашади. Марксизм-ленинизм классиклари асарларини ўзбек китобхонлари ўртасида кенг тарғиб этишда Равил Нажипович Шокировнинг хизматлари катта. У «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими» деган юксак унвонга бежиз сазовор бўлмаган. 35 йилдирки, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги Партия тарихи институтида таржимон, муҳаррир, илмий консультант сифатида ҳалол меҳнат қилиб келаяпти, халқимизнинг сиёсий билим савиясини оширишга муносиб ҳисса қўшаяпти.

Равил Нажипович билан суҳбатлашсангиз ҳеч зерикмайсиз. Тарихни ҳам, бугунги кун воқеаларини ҳам жуда чуқур билади, бўлаётган ўзгаришларга холис баҳо беради.

**— Сизни йўқлатсак, Келесга кетган дейишди. Шундай совуқда қишлоқда нима қиласиз?** — суҳбатимиз шундай бошланди.

— Ўзим Қозонда туғилган бўлсам ҳам, Келесни биринчи уйим деб биламан. Отадан эрта етим қолганимиздан сўнг Келесда истиқомат қилувчи тоғамиз Абдулла Алиев бизни ўз ёнига кўчириб келди. Ўшанда мен 9 ёшли, укам Рафаэл эса 5 ёшли бола эдик. Маҳалладаги тенгдошларга қўшилиб, мактабга чиқдик. Зоғариқ сувида чўмилиб катта бўлдик. Ёшлигим ўтган қишлоқ ҳамон кўзимга оловдек кўринади. Тез-тез бирга катта бўлган дўстларимни эслайман. Турғун Саидов, Қодир Ғафуров каби биродарларим, укам Рафаэл оиласи билан ўша ерда яшашади. Борди-келдини канда қилмайман. Бир-биримизга ғаниматмиз, тез-тез дийдор кўришганга нима етсин, дейман.

Равил ака ёшлигидан ўзбек мактабида билим олганлиги учун ҳам ўзбек тилини ўз она тилим, деб билади. Кейинроқ Тошкентдаги педагогика билим юртини тамомлади. Шу йили уруш бошланиб, фронтга кетди. Днепрдан кечиб ўтди, Киевгача жанг қилиб борди. Лекин шаҳар остонасида қаттиқ яраланиб, сафдан чиқди. Госпиталда ётганида Переслав-Перятин, Харьков каби шаҳарлар учун бўлган беаёв жангларни эслади. «Жасорати учун» медали, 1 даража Ватан уруши ордени ва бошқа жанговар нишонлар ўша даҳшатли йиллардан хотира бўлиб қолди.

**— Ўзбек тилида нашр этилган сиёсий адабиётларнинг аксариятида сиз таржимон ёки редактор сифатида тилга олингансиз. Бу соҳадаги фаолиятингиз қачон бошланган эди?**

— Урушдан қайтгач, Калинин район партия комитетида ишлай бошладим. Ўша кезларда меҳнаткашлардан тушган шикоятлар, баъзи сиёсий ҳужжатларни русча ёки ўзбекчага таржима қилиш талаб этиларди. Бу ишларни менга топширишарди. Орада ўзимча К. Симоновнинг «Бегона соя» пьесасини ҳам таржима қилдим. Шу тариқа таржимонликка ҳавасим орта борди. Тошкент олий партия мактабининг таржимонлик бўлимини тамомлагач, бутун вужудим билан шу соҳага берилиб кетдим.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги Партия тарихи институтига ишга кирган кезларимда В. И. Ленин асарларининг 45 томлик русча нашри ўзбек тилига таржима қилинаётган эди. Мен ҳам таржимонлар группасига қўшилдим. Кейинроқ доҳийнинг 55 томлик тўла асарлар тўпламини таржима қилишга киришдик. Бу нашр шу кунгача қардош халқлардан фақат украин тилига таржима қилинган эди, холос. Иккинчи бўлиб бизнинг коллектив доҳийнинг тўла асарлар тўпламини ўзбек тилига таржима қилишга киришди. Ўн йил давомида В. И. Лениннинг 9 мингга яқин асарлари, мақолалари, сиёсий ҳужжатларни таржима қилиб, китобхонларга тақдим этдик. Сиёсий адабиётларни таржима қилишдаги тажрибамиз Ўрта Осиё ва Закавказье республикалари, Монголия Халқ республикасидаги ҳамкасбларимизни ҳам қизиқтириб қолди. Улар ишимиз билан яқиндан танишдилар, зарур маслаҳатлар олдилар.

**— Ўн йил давомида фақат В. И. Ленин асарлари таржимаси билан банд бўлдингизми?**

— Йўқ, орада К. Маркснинг «Философия қашшоқлиги» асарини ўзбекчага ўгирдим. «Капитал»нинг 2 ва 3-томларини таржима ҳамда таҳрир қилишда қатнашдим. Сиёсий адабиётлар таржимасининг ўзига хос мураккаб томонлари бор. Таржимон ҳар бир асарнинг ёзилиш тарихи ва ўша давр шароитини яхши билсагина автор нималарга чуқурроқ урғу бераётганлигини англаб етади. Акс ҳолда авторнинг мақсадини миллий тилда китобхонларга етказа олмайди. Биз сиёсий адабиётлар таржимасига қўйиладиган талабларга алоҳида риоя этаяпмиз.

**— Ҳозир қандай ишлар билан бандсиз?**

— Студентлар учун В. И. Ленин танланган асарларининг 10 томлигини чиқаряпмиз. Шу кунгача бешта том студентлар қўлига бориб тегди. КПСС съездлари, конференциялари, Марказий Комитет Пленумларининг резолюциялари ва қарорларини нашр этиш эса ниҳоясига етаяпти. Ҳозир 14-томнинг корректурасини ўқияпмиз. М. С. Горбачевнинг 3 томлик танланган нутқлари ва мақолаларини нашр этиб бўлдик. Бу нашрларни тайёрлашда ҳам таржимон, ҳам редактор сифатида қатнашганман.

Равил ака сиёсий адабиётларни рус тилидан ўзбек тилига сифатли таржима қилишда сафдошлари Ғиёс Неъматов, Ҳамза Солиҳов, Аҳмаджон Аюпов қўшаётган ҳиссани алоҳида таъкидлаб ўтди. Равил ака бу ижодкорлар билан 35 йилдан бери ёнма-ён меҳнат қилиб келаяпти. Улар оғаинидек бўлиб кетишган. Кекса авлод ёнига энди Омон Тўраев, Маҳбуба Раҳимова, Зуҳра Қосимова, Ҳаким Исмоилов каби ёш таржимонлар қўшилишяпти. Улар Равил акани оталаридек қадрлашади, ўзларига устоз ва мураббий деб билишади.

**— Суҳбатимиз бошида Келесни биринчи уйим деб тилга олдингиз. Татаристон билан ҳам алоқалар борми?**

— Бор. Яқинда «Совет Татаристони» газетасида мен тўғримда «Юртдошимиз» деган очерк эълон қилинган экан. Дўстларим шу газетадан бир нусхасини юборишибди. Ўқиб Татаристонда ҳам мени эслашганидан бағоят хурсанд бўлдим. Кейин бир фикр хаёлимни бўлиб юборди. Бизга ўхшаш кекса авлод вакилларини она юртда эслаб туришибди. Лекин ёш авлод вакилларини эслашармикан? Ахир Ўзбекистонда яшаётган ёшларимизнинг бир қисми шароитга қараб рус миллатига, бир қисми эса ўзбек миллатига сингиб кетаяпти. Чунки, татар тили, маданияти, урф-одатларини улар яхши билишмайди. Руслар ёки ўзбеклар даврасида катта бўлишяпти-да.

Эсимда, илгари Эски шаҳарда татар революционери Наримон Воҳидов номига қўйилган татарча мактаб бўларди. Татар болалари шу ерда ўқишарди. Кейинчалик мактаб ёпилди. Мавжуд татар театрининг тақдири ҳам шундай бўлди. Ҳозир татар миллатига мансуб кишилар учун бирорта маданий марказ йўқ. Биз фақат тўй-ҳашам ёки маъракаларда кўришиб қолмасак, бошқа пайтларда учрашиб, суҳбат қурадиган маданият ўчоғимиз йўқ. Агар маданий марказ яратилса, авлодлар учрашуви, халқимиз тарихи, маданияти, урф-одатига оид суҳбатлар, турли хил конкурслар ўтказиш имконияти яратиларди. Бундай тадбирлардан кўпроқ ёш авлод баҳра оларди.

Татар тилида дарс ўтиладиган мактаблар очиш масаласини ҳам ўйлаб кўриш керак. Бунинг учун аввало татар миллатига мансуб ота-оналар ўртасида социологик тадқиқот ўтказиш зарур. Шунга қараб ўқувни ташкил этиш мумкин.

**Ж. НОСИРОВ.**

## Хатлар «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» назоратида

# ТЕКШИРИШЛАР, НАТИЖАЛАР, ЧОРАЛАР

**ҲУРМАТЛИ редакция! Колониямизда бизга қарайдиган ҳарбий хизматчи Т. Ўралбоев мени муддатидан илгари озод қилиш учун пул сўради. Мен 200 сўм келтириб бердим. Шундан кейин муддатидан илгари шартли равишда қамоқдан чиқариб юборди.**

**К. УСМОНОВ,**
**Самарқанд область, Каттақўрғон шаҳар, Самарқанд кўчаси, 72-уй.**

К. Усмоновнинг шикоят аризаси юзасидан Тошкент область ички ишлар бошқармасининг бошлиғи Р. Р. Саитбоевдан жавоб олинди.

Унда хат бўйича текшириш ўтказилганда К. Усмонов халқ судининг ажрими бўйича жазо муддатидан икки ой-у икки кун олдин колониядан шартли равишда озод қилинганлиги айтилади.

Йиғилган ҳужжатлар, текширишлар колониядаги кишилар билан ўтказилган суҳбатлардан маълум бўлишича капитан Т. Ўралбоевга нисбатан хатда кўрсатилган айбларнинг биронтаси тасдиқланмади.

К. Усмоновнинг ёзган хати колониядаги хатлари билан солиштирилганда охирги хат бошқа шахс томонидан ёзилганлиги маълум бўлди.

●

**Укам С. Нуриддинов мендан олган қарз пулини қайтариб бермаяпти. Шуни олишда ёрдам берсаларинг?**

**М. НУРИДДИНОВ,**
**Янгийўл шаҳри.**

Область прокуратураси умумий назорат бўлимининг бошлиғи Ҳ. Н. Набиевнинг редакцияга хабар қилишича хат бўйича текшириш ўтказилган. Маълум бўлишича, С. Нуриддинов М. Нуриддиновнинг укаси бўлиб Чиноздаги наслчилик совхозининг 3-фермаси территориясида яшайди. Шикоятчи бир неча бор укасидан олган пулни қайтаришни сўраган. Укаси эса ундан ҳеч қачон қарз олмаган. Мазкур масала бўйича М. Нуриддинов Чиноз район прокуратурасига икки марта мурожаат қилган. Текшириш натижалари прокуратура томонидан ўз вақтида шикоятчига ёзма равишда юборилган. Унинг даъвосида асос йўқлиги сабабли область прокуратураси М. Нуриддиновнинг аризасини оқибатсиз қолдирди.

## • МАМЛАКАТЛАР • ОДАМЛАР • ВОҚЕАЛАР •

### Фестиваль якунланди

● БЕРЛИН. Болгария, ГДР, Буюк Британия, Вьетнам, КХДР, Туркия, Чилидан, Фаластин Озодлик ташкилотидан келган вокал-чолғу ансамбллари ва яккахон хонандалар ҳамда СВАПО болалар хори бугун бу ерда ниҳоясига етган сиёсий қўшиқлар XIX фестивалининг сўнгги концертида иштирок этишди. Бир ҳафта мобайнида ана шу қўшиқ анжуманининг концертларида минглаб томошабинлар бўлишди. 26 мамлакатдан, шу жумладан СССРдан, шунингдек Ғарбий Берлиндан келган қарийб 60 коллектив ва яккахон хонанда ўз маҳоратларини намойиш этди.

Немис социалистик давлати пойтахтидаги энг яхши концерт заллари саҳналарида ҳамда фестиваль қатнашчиларининг биргаликдаги концертлари чоғида тинчлик учун, урушга қарши қуролланиш пойгасига қарши, халқларнинг сиёсий ва социал мустақиллиги учун, барча одамларнинг тинч бахтли келажаги учун курашга оташин даъват янгради.

### ШУЛЬЦНИНГ ЯНГИ ЛАВОЗИМИ

САН-ФРАНЦИСКО. ТАСС мухбири Андрей Сидорин хабар қилади: АҚШнинг собиқ давлат секретари Жорж Шульц АҚШдаги энг катта нефть корпорацияларидан бири «Шеврон» директорлари кенгаши составига тайинланганлиги, шунингдек «Бектел» қурилиш концерни раҳбариятига киритилгани ҳақида бу ерда эълон қилинди.

Шульц Калифорниядаги «катта бизнес» билан азалий алоқага эга. Президент Рейган 1982 йилда унга давлат секретари бўлишни таклиф этгунига қадар, Шульц «Бектел» президенти лавозимини эгаллаб келган эди. Рейган маъмурияти ҳукмронлиги йилларида мазкур концерн сердаромад ҳукумат буюртмаларини олиш ва энг аввало Пентагоннинг ҳарбий объектлар қурилиши тўғрисидаги кўп миллионли шартномалари эвазига ўз фойдасини анча кўпайтирди.

Калифорниянинг савдо-саноат доираларида Шульц билан алоқага ва унинг тажрибасига зўр умид боғлаётганликларини яширишмаяпти. «Биз ўз кенгашимиз составига шундай мавқедаги кишини кирита олганимиздан ғоят омадимиз юришди, — деди «Шеврон» корпорацияси директорлар кенгашининг раиси Кен Дерр. — У бизга давлат хизматида, шунингдек савдо-саноат ва олимлар доираларида ишлаб олган бениҳоя ноёб билимларини олиб келади».

Илгари шу ойдаёқ Шульц АҚШдаги энг катта автомобилсозлик корпорацияси «Женерал моторс» директорлар кенгашига киритилган эди.

### МИСРДА НАРХ-НАВО ОШДИ

ҚОҲИРА. (ТАСС). Мисрда баъзи озиқ-овқат ва истеъмол товарларининг нархлари ўртача ҳисобда йигирма процент ошди. Сигарета, кир совун, сут, эритилган сариёғ ва пишлоқ сингари товарларнинг янги нархлари пайдо бўлади. Ип газламалар қимматлашди.

«Ал Вафд» газетасининг хабар беришича, бу галги нарх-навонинг ошиши ишлаб чиқаришдаги харажатларнинг кўпайганлиги билан боғлиқ. Маҳаллий саноатда фойдаланиладиган хом ашё ва хорижий яримфабрикатлар қимматлашганлиги харажатларни кўпайтириб юборди. Бироқ, бир неча ҳолларда давлат сектори корхоналари ўз маҳсулотлари нархини асоссиз равишда хусусий сектор даражасига етказишга интилмоқдалар.

Мутахассисларнинг ҳисоб-китобига кўра, бу галги қимматчилик кўпгина маҳсулотлар нархининг ошишига олиб келади.

# СЎНГГИ СОАТДА

● ПАРИЖ. Якшанба куни эрта тонгда Франциянинг шимоли-шарқий соҳилидан йигирма километр нарида жойлашган Сен ороли яқинида қояга урилган Норвегия контейнер ташувчи кемасини қутқариш борасидаги операция муваффақиятсизликка учради. Франция ҳарбий-денгиз кучлари кемалари иштирокида саккиз соат давом этган қутқариш ишларига қарамай, кемани саёзликдан чиқариб олишга муваффақ бўлинмади.

Франциянинг Франс-пресс ахборот агентлиги таъкидлаганидек, дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, фалокат кема бошқарувида йўл қўйилган хатолар натижасида содир бўлган. Экипажнинг барча ўн аъзоси қутқарилган ва вертолётларда соҳилга олиб келинган.

Франс-пресс агентлигининг таъкидлашича, контейнер ташувчи кемага атроф муҳитнинг булғаниши манбаига айланиши мумкин бўлган ҳеч қандай хавфли ва заҳарли юк ортилмаган.

● ОСЛО. НАТО тинчликни мустаҳкамлаш, хавфсизлик ва қуролсизланиш манфаатлари йўлида Европада тактик ядро қуролларини модернизациялашдан воз кечиши, қитъа шимолида ҳарбий тайёргарликларни тўхтатиши лозим. Норвегия ҳукмрон ишчи партияси ёшлар ташкилотининг бугун ўз ишини ниҳоясига етказган съезди ана шундай талаблар билан чиқди.

Анжуманда қабул қилинган ташқи сиёсий резолюцияда НАТОда ишлаб чиқилган «олдинги маррага ўтиш» ҳарбий-денгиз стратегияси қораланади, блок раҳбариятидан Шимолий Атлантика сувларида машқлар миқдори ва кўламини қисқартириш талаб этилади. Резолюция ҳукуматни Норвегия диёрида Америка авианосецлари учун таъминот базалари қуришга қаршилик кўрсатишга, Норвегияда тинчлик даврида ядро қуроли жойлаштиришни тақиқловчи миллий хавфсизлик сиёсати принципларига қатъий амал қилишга даъват этади.

● ИСЛОМОБОД. Турли йўналишдаги оппозициячи афғон гуруҳлари ўртасида чиққан янги ихтилофлар маслаҳат кенгаши (шўроси) ишини тўхтатиб қўйди. Бу кенгашни Покистоннинг Равалпинди шаҳрида оппозициячилар чақирган эдилар. Мўътадил партияларнинг вакиллари экстремистлар томонидан қўйилган Аҳмад Шоҳ бошчилигидаги «ўтувчи ҳукумат» составига қарши норозилик белгиси остида яна мажлислар залини ташлаб чиқиб кетдилар.

Шарҳчилар таклиф этилган «ҳукумат» состави ҳатто экстремист руҳидаги оппозициячилар гуруҳи ўртасида ҳам кучли баҳс келтириб чиқарганлигини таъкидлашмоқда.

Эронда жойлашиб олган «саккизлар уюшмаси»нинг вакиллари шўрода ўз ваколатига нисбатан Пешовар «еттилиги» билан ихтилофларни бартараф эта олмай, бугун Покистондан жўнаб кетдилар.

Якшанба кунги мажлис чоғида шўро жойлашган бинода афғон оппозициячиларини қўриқлаётган Покистон полициячиларидан бири ўз бошлиғига тўппончадан ўқ узиб, уни ўлдирган. Полициячи қамоққа олинган.

